

Навоийда ягона техника сиёсатини амалга ошириш доирасида Семинар

Автомобиллар узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қиладиган энг мақбул кўмакчига айланиб улгурди. Улар сонининг кўпайиб бориши, ўз навбатида, йўловчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда транспорт хизматлари бозорини янада яхшилаш ва соҳада рақобат муҳитини шакллантириш борасида олиб борилаётган ислохотлар туфайли бугун мазкур хизматдан энг чекка қишлоқлар аҳли ҳам баҳраманд бўлмоқда. Шу билан бирга, бозор муносабатлари ривожланиб боргани сайин йўловчи ташишни замон талабларига мос йўлга қўйиш, йўловчилар учун қулай шарт-шароит яратиш муҳим заруратга айланмоқда.

Автотранспорт хизматлари, жумладан, таксилар фаолиятини тартибга солиш, улар томонидан йўловчилар ташиш сифатини яхшилаш, хавфсизлигини таъминлаш ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари” йили муносабати билан Навоий вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган режа жадвалига асосан, Агентликнинг Навоий вилоят бошқармаси ташаббуси билан Навоий шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳар ва ишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2724-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, жорий йилнинг 12 август куни тадбиркорлар иштирокида семинар учрашуви ўтказилди.

Мазкур қарор асосида ташувчи корхоналар томонидан йўловчиларни шаҳар атрофида ва вилоятлар ичидаги шаҳарлараро йўналишларда (қишлоқ жойларда) автобуслар ва микроавтобусларда ташиш ҳажми бўйича ягона солиқ тўловидан озод қилиш механизми тўғрисида, лизинг ҳисобига автотранспорт воситалари олиш асослари, лизинг операцияларида солиқ ва бухгалтерия ҳисоби ҳақида, шаҳар йўловчи ташиш транспортларида нақд пулсиз тўловни ҳамда, масофадан он-лайн кузатиш GPS тизимини жорий этиш юзасидан тадбиркорларни қизиқтирган саволларга бошқарма бошлиғи ва бошқарма ходимлари томонидан тўлиқ жавоблар берилди. Семинар учрашуви савол жавоб, фикр алмашиш тарзида ўтказилди.

Ушбу семинарда Навоий вилоятида юк ва йўловчи ташиш фаолияти кўрсататган корхоналар раҳбарлари, ходимлари ҳамда вилоят ОАВ вакиллари иштирок этишди.